Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

N 35 (164) • 2008 йил 29 август

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.




## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДУШАНБЕ УЧРАШУВЛАРИ

*Душанбе, 27 август. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.*

***ШҲТ саммитида қатнашиш учун Душанбега келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни шаҳар аэропортида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.***

***Шу куни «Кохи Сомон» саройида Ислом Каримов ва Имомали Раҳмоннинг учрашуви бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2000 йилнинг июнида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома амал қилади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида жами юздан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган.

Иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 207,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

– Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқдир, – деди Ислом Каримов. – Бугунги учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

– Оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмайди, – деди Имомали Раҳмон. – ШҲТ саммити арафасида дўст мамлакат раҳбарини юртимизда қутлашдан мамнунмиз.

Суҳбат чоғида Президентлар Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашувида ушбу мулоқот икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикрлашиб олиш учун яхши фурсат эканы таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик йил сайин ривожланиб бормоқда. 2007 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич 650,3 миллион долларга етди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар 2005 йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистон Россияни ишончли стратегик шерик деб билишини ва ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Дмитрий Медведев бугунги учрашув икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ва сармоявий йўналишдаги ҳамкорлик кўлами изчил кенгаймоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб 30 фоизи Россия ҳисобига тўғри келади. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2008 йилнинг дастлабки беш ойида бу кўрсаткич 1,6 миллиард доллардан кўпроқни ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспортида саноат маҳсулотлари ҳажми ошиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

***ЎзА.***

### ҲАМКОРЛИК

## IFC ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРАДИ



***17-18 август кунлари Халқаро молия корпорацияси (IFC)нинг ижрочи вице-президенти ва раҳбари Ларс Тунелл расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. IFCнинг Ўзбекистондаги устувор вазифалари кичик ва микрокорхоналарни молиялашга бўлган имкониятларни кўпайтиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, шунингдек уй-жойларни молиялашни ривожлантиришга кўмак беришга йўналтирилган. Ташрифдан мақсад Ўзбекистонга, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасига янги инвестициялар учун имкониятларни кўриб чиқиш ҳам бўлди.***

Ташрифнинг биринчи кунида IFC делегацияси Самарқанд ва Бухорода бўлди, у ерда дунёга таниқли бир қатор тарихий обидаларни кўздан кечирди ва ҳудудий ҳокимият органларининг вакиллари билан учрашди.

Ташрифнинг иккинчи куни жаноб Тунелл Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов билан учрашди, унда ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари муҳокама қилинди. Учрашувда республикада ишбилармонлик муҳитига таъсир кўрсатувчи қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш мақсадида Ўзбекистонда қонун ҳужжатларига таъсирни баҳолаш тизими (ҚҲТБТ)ни жорий этиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати ва IFC ўртасидаги ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки томонлама Баёнот имзоланди.

Ташриф доирасида «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.Ж.» ҚК компанияси – Ўзбекистондаги дастлабки лизинг компанияси ва IFCнинг фаолият кўрсатувчи аъзоси билан 3 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит битими ҳам имзоланди. 2002 йилдан бошлаб у корпорациянинг Марказий Осиё лизинг берувчилари учун маслаҳат дастурида иштирок этади, бу эса унинг ривожланишига имкон яратди.

– IFC кредити бизнинг кичик бизнесга кўрсатаётган хизматларимизни кенгайтириш учун ўзига хос платформа яратяпти, – деб таъкидлади «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.Ж.» бош директори Зафар Мустафоев.

IFC маҳаллий молия институтларини қўллаб-қувватлаш, кредит линияларини тақдим этиш ва бизнесни ривожлантириш йўли билан кичик ва микрокорхоналарни молиялашга имкониятларни кенгайтиришга кўмак бермоқда. У Ўзбекистонда лизинг секторини ривожлантиришда фаол иштирок этди. Хусусан, унинг маслаҳат дастури ушбу соҳани тартибга соладиган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва амал қилаётган 11 қонун ҳужжатига ўзгартишлар киритиш имконини берди. Қонунчиликни такомиллаштириш, лизинг олувчиларни маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорларнинг хабардорлигини ошириш натижасида республика лизинг бозори 2001-2007 йилларда 220 миллион АҚШ долларига ўсди.

Жаноб Тунелл республикадаги хусусий молия муассасаларидан

2-бетда

**ҚИСҚА САТРДА**

*IFC Жаҳон банки Гуруҳининг аъзоси бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий секторга инвестициялар қўйиш, капитални ички ва халқаро молия бозорларида сафарбар қилиш ҳамда компаниялар ҳамда ҳукуматларга маслаҳат хизматлари ва хатарларни бошқариш хизматларини тақдим этиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга имкон яратади. IFC барқарор иқтисодий ўсиш аҳолига ўзининг турмуш шароитларини яхшилаш имконияти очади деб ҳисоблайди. 2007 молия йилида у иқтисодиёти ўтиш босқичига бўлган ва ривожланаётган 69 мамлакатдаги 299 лойиҳага 8,2 миллиард АҚШ долларини инвестициялади ҳамда қўшимча равишда 3,9 миллиард АҚШ долларини кредитлар ва таркибланган молиялашда иштирок этиш кўринишида сафарбар қилди. IFC шунингдек 97 мамлакатда маслаҳат хизматларини тақдим этди.*

**УШБУ СОНДА**

1-2-бетлар — IFCнинг янги қадамлари
3-бет — Кичик корхоналарга кимлар киради?
4-бет — Битимни ким имзолайди?
5-12-бетлар — Қонунчиликдаги янгиликлар

$1 = 1321,07 сўм €1 = 1944,48 £1 = 2433,01 сўм ¥10 = 119,97 сўм

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon• 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Кпаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# IFC ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

1-бетда

бири ва IFCнинг фаолият юритувчи аъзоси бўлган «Ҳамкорбанк» АТБ раҳбарияти билан ҳам учрашиб, Ўзбекистондаги мавжуд банк муҳити билан танишди. Шунингдек корпорация томонидан «Ҳамкорбанк»ка янги кредит линиясини тақдим этиш масалалари муҳокама қилинди.

– IFC ҳукумат билан ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бизнес учун қулай молиялашга эга бўлиш мақсадида ҳамкорликда ишлаяпти. Кредит олишнинг осонлашуви компанияларга улар бизнеси соҳасини кенгайтириш, янги иш жойларини барпо этишга имкон яратишда ёрдам беради ва кишиларга уй-жой мулкдорларига айланиш имконини беради, – деб таъкидлади Ларс Тунелл.

***

18 августда жаноб Ларс Тунелл IFCнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси офисида брифинг ўтказди. Унда шунингдек унга ҳамроҳ бўлган IFCнинг Марказий Осиёдаги катта менежери **Томаш Телма,** IFCнинг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили **Гортон де Монд,** IFCнинг ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича лойиҳалари катта менежери **Санда Лиепина,** IFCнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича менежери **Илья Свердлов**лар қатнашишди.

IFC раҳбари журналистлар билан мамлакатимиздаги ташрифига оид таассуротлари билан ўртоқлашди, бу ерга у Қирғизистон ва Тожикистондан сўнг келган. Унинг минтақа бўйича сафари Озарбайжонда давом этади.

Хива, Самарқанд ва Бухоронинг ноёб обидалари билан танишув унинг ғоятда бой тарихий меросга эга бўлган халқнинг ўз иқтисодиётини ривожлантириш борасида имкониятлари катталиги тўғрисидаги фикрини янада мустаҳкамлади. Халқаро молия корпорацияси ҳам аввало кичик ва хусусий бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаб, ушбу жараёнга ҳар томонлама кўмак беришга тайёр.

IFC 1992-1993 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг турли жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Маслаҳатлардан бошланган ушбу алоқалар кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, унинг учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга йўналтирилган йирик миқёсли лойиҳаларни амалга ошириш сари ривожланди.

Жаноб Ларс Тунелл ўзининг Ўзбекистонга бу галги ташрифини ҳам самарали деб баҳолади. У республика иқтисодиётининг ривожланиш динамикасини ёқлади. Жаҳон банкининг мижозлари билан учрашувлар IFC кучларини сарфлашнинг самарадор бўлишига ишонч ҳосил қилиш ҳамда янада чуқур кўмак бериш ва инвестициялашни кенгайтириш учун энг долзарб соҳаларни аниқлаш имконини берди.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов билан музокаралар амалий мулоқотга айланиб, республикада Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими (ҚҲТБТ)ни жорий этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Баёнотни имзолаш билан якунланди. Ушбу лойиҳани 2008-2010 йилларда амалга ошириш дастури ишлаб чиқиляпти.

IFC раҳбари Баёнотни имзолаш Ўзбекистон ҳукумати билан Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлиги чуқурлашганидан далолат беради деб таъкидлади.

Журналистларнинг саволларига жавоб бераркан, у IFC республикага ўз кўмагини кенгайтириш ва хусусий секторнинг молия ресурсларидан фойдалана олишини енгиллаштириб, инвестициялаш ҳажмини кўпайтириш ниятида эканлигини маълум қилди. Аввало инвестициялар мева ва сабзавотларни етиштиришдан бошлаб уларни бозорга етказиб бериш ва улардан пировард маҳсулотни истеъмолчиларга сотишдан иборат мақбул логистик тизимни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашга йўналтирилади. «Биз хусусий бизнеснинг ушбу ва бошқа секторларини ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишдан хурсандмиз», – деди Ларс Тунелл.

***Ўз ахборотимиз.***

**ҚИСҚА САТРДА**

*Ларс Тунелл (Lars H.THUNELL), миллати швед, Жаҳон банки Гуруҳининг инвестицион бўлинмаси ҳисобланган Халқаро молия корпорацияси (IFC)нинг ижрочи вице-президенти ва раҳбари ҳисобланади.*

*Жаноб Тунелл 2006 йилдан бошлаб хусусий секторнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича вазифани бажариш учун IFCга раҳбарлик қиляпти. У бизнесни тараққий эттиришга, ривожланаётган мамлакатларда ривожланиш ва кишилар ҳаётини яхшилаш учун имкониятлар яратишга йўналтирилган IFC стратегиясини илгари сурди. Жаноб Тунелл IFC ўз мижозларининг имкони борича қандай қондира олишини жойларнинг ўзида билиш учун 30 дан ортиқ мамлакатда бўлди ва IFCни бундан сўнг ҳам марказлаштиришдан холи қилишни қўллаб-қувватлади.*

*IFCга келгунга қадар жаноб Тунелл молия соҳасида бир қатор раҳбар лавозимларни эгаллаган. У Стокгольм университети доктори илмий даражасига эга, Гарвард университетининг Халқаро тадқиқотлар марказида тадқиқотлар билан шуғулланган.*

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***26 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов мазкур масала бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, Давлат бюджети жорий йилнинг биринчи ярмида профицит билан ижро этилди, мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини техника ва технология жиҳатидан модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган чоралар миллий иқтисодиётнинг жўшқин ривожланишига кўмаклашди.

Иқтисодий ўсиш аҳоли реал пул даромадларининг ошганлиги туфайли юзага келган ички талаб, шу жумладан, истеъмол бозоридаги талаб билан ҳам қўллаб-қувватланди. Бизнес зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш бўйича кўрилган чоралар иқтисодиёт хусусий секторидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга кўмаклашди, натижада уларнинг самарадорлиги ошди. Мамлакатнинг Давлат бюджети соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини, «Ёшлар йили» Давлат дастурини ўз вақтида молиялаштиришдан иборат аниқ ижтимоий йўналишга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 26 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1139,95 | 1 Малайзия ринггити | 392,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2433,01 | 1 Польша злотийси | 588,50 |
| 1 Дания кронаси | 260,76 | 1 СДР | 2082,97 |
| 1 БАА дирҳами | 359,68 | 1 Туркия лираси | 1118,13 |
| 1 АҚШ доллари | 1321,07 | 1 Швейцария франки | 1199,88 |
| 1 Миср фунти | 247,51 | 1 ЕВРО | 1944,48 |
| 1 Исландия кронаси | 16,17 | 10 Жанубий Корея вони | 12,31 |
| 1 Канада доллари | 1257,08 | 10 Япония иенаси | 119,97 |
| 1 Хитой юани | 193,03 | 1 Россия рубли | 54,43 |
| | | 1 Украина гривнаси | 272,73 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 27.08.2008 | 1 | 0,8137 | 1 | 1,1988 | 1 | 0,0331 |
| Арманистон | 27.08.2008 | 1 | 304,48 | 1 | 448,23 | 1 | 12,38 |
| Беларусь | 28.08.2008 | 1 | 2111,00 | 1 | 3109,19 | 1 | 85,81 |
| Грузия | 27.08.2008 | 1 | 1,413 | 1 | 2,07 | 1 | 0,0575 |
| Қозоғистон | 28.08.2008 | 1 | 119,79 | 1 | 176,33 | 1 | 4,87 |
| Қирғизистон | 23.08.2008 | 1 | 34,7547 | 1 | 51,6003 | 1 | 1,432 |
| Латвия | 28.08.2008 | 1 | 0,478 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0194 |
| Литва | 28.08.2008 | 1 | 2,3524 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5642 |
| Молдова | 27.08.2008 | 1 | 9,6591 | 1 | 14,2683 | 1 | 0,3958 |
| Тожикистон | 27.08.2008 | 1 | 3,4189 | 1 | 5,0487 | 10 | 1,3909 |
| Ўзбекистон | 26.08.2008 | 1 | 1321,07 | 1 | 1944,48 | 1 | 54,43 |
| Украина | 27.08.2008 | 100 | 484,57 | 100 | 707,3753 | 10 | 1,9714 |
| Эстония | 27.08.2008 | 1 | 10,627 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,432149 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

pr_67

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

*30 дан зиёд офис ва 300 агент*

*– транспортнинг барча турларида юк ташиш*
*– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш*
*– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви*

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

**УШБУ СОНДА:**

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Президент Ислом Каримовнинг Душанбе учрашувлари
– IFC Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиради *1-2-бетлар*
✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– 6 йил таътилсиз бўлганда
– Ярми учун ҳисоб-китоб қил *3-бет*
✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
– Директорнинг ваколати бўлмаса *4-бет*
✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:**
– «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:**
– «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР ДБҚнинг «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг «Давлат ветеринария назорати остидаги юкларнинг экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи;
– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори;
– ЎзР МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун божсиз олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР молия вазирининг «Чекланган тарифлар бўйича шаҳарда мунтазам йўловчи ташишларни бажариш билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;
– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-872-сон қарори билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. *5-12-бетлар*
✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** *13-16-бетлар*

# 6 ЙИЛ ТАЪТИЛСИЗ БЎЛГАНДА

***Мен бюджет ташкилотида ишлайман, ишдан ўз хоҳишим билан бўшаяпман. Ишдан бўшаётганда бош бухгалтердан олти йил учун фойдаланилмаган таътил кунларига ҳисоб-китоб қилишни сўрадим. Фойдаланилмаган таътил учун сумма қандай ҳисобланади? Бухгалтернинг айтишича, у фойдаланилмаган таътил даври учун иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади, масалан, 1997-1998 йилларда фойдаланилмаган таътил учун сумма ўша вақтда амал қилган иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ёки ҳисоб-китоб учун бугунги кунда амал қилаётган иш ҳақи олинадими?***

***Бундан ташқари, таътил пули ҳисоб-китобида иш ҳақининг қандай турлари ва қўшимча даромадлар ҳисобга олинади?***

***Бу саволларимга мисоллар билан жавоб берсангиз.***

**Э.Шойзоқов.**
**Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани.**

– Ишдан бўшаётганда асосий ва қўшимча таътилнинг фойдаланилмаган барча йиллари учун, сизнинг ҳолатингизда у 6 йилдан иборат, пул компенсацияси тўланиши керак *(Меҳнат кодексининг 151 ва 275-моддалари).*

Компенсация тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақининг ҳисоб-китоби **ҳисоб-китоб кунида** тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошадиган сумманинг ўн иккидан бир қисмини қўшиш йўли билан бирга амалга оширилади *(Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига* 6-илова).*

Уларга қуйидагилар киради: ишбай ҳақ, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланиб ёзиладиган бошқа тўловлар.

Айни пул компенсациясини тўлаш зарур бўлган фойдаланилмаган таътиллар кунлари миқдорининг ҳисоб-китоби учун меҳнат шартномасига кўра ҳар йил амал қиладиган асосий ва қўшимча таътиллар кунларининг миқдори қабул қилинади.

***Мисол.*** *2008 йил 25 июлда ходим 2008 йил 10 августдан бошлаб меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза берди. Унга ўтган йил тўланган, ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзиладиган қўшимча тўловлар суммаси 80 000 сўмни ташкил қилади. Ишдан бўшаш санасида лавозим маоши – 200 000 сўм.*

*Ходим 2002 йил 9 августдан 2008 йил 9 августгача бўлган давр учун унга белгиланган йиллик меҳнат таътилидан фойдаланмаган. Меҳнат шартномасига кўра унга муддати 24 иш куни бўлган асосий меҳнат таътили берилади.*

**Фойдаланилмаган таътил учун компенсация ҳисоб-китоби:**

*Ходим 6 тўлиқ йил учун (2002 йил 9 августдан 2008 йил 9 августгача) меҳнат таътилидан фойдаланмаган.*

*Таътил суммалари ҳисоб-китоби учун ўртача ойлик иш ҳақи 206 667 сўмга (200 000 + 80 000/12) тенг.*

*Бу ерда:*

*200 000 сўм – компенсация ҳисоб-китоби кунидаги маош;*

*80 000 сўм – ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзиладиган ўтган йил учун қўшимча тўловлар.*

*Компенсация суммаси 1 171 655 сўмни [(206 667/25,4 x 24) x 6] ташкил қилади,*

*бу ерда:*

*206 667 – ўртача ойлик иш ҳақи;*

*25,4 – олти кунлик иш ҳафтасида бир ойда иш кунларининг ўртача миқдори;*

*24 – асосий ва қўшимча таътил кунларининг умумий миқдори;*

*6 – ходимга йиллик меҳнат таътили берилмаган йиллар миқдори.*

Фойдаланилмаган таътиллар учун компенсация суммаси ходимнинг жами даромадига киритилади ва у жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ажратмаларга тортилади. 2008 йил 1 январдан бошлаб фойдаланилмаган таътил учун пул компенсацияси суммаси давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар объекти ҳам ҳисобланади *(Солиқ кодексининг 175, 307-моддалари).*

*ВМнинг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

# ЯРМИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛ

***«Технохимфарм» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси 2001 йилдан бери каучук пластирлар ишлаб чиқаради. У ягона солиқ тўловини тўлайди, ҚҚС тўловчиси эмас. Бугунги кунда воситачилик шартномаси бўйича ҳам тайёр маҳсулотни реализация қиламиз, бунда, масалан, комиссионерга далолатнома асосида 10 000 000 сўмлик товар берилади. Ой тугагач у бизга, яъни комитентга ҳисобот беради. 10 000 000 сўмлик товар қабул қилиб олган, 5 000 000 сўмлигини сотган, қолдиқда айни шартномада кўрсатилганидек 5 000 000 сўмлик товар қолган. Ҳар ойнинг 20-кунида у бизга сотишдан олинган пулни ўтказади.***

***1. Энди 5 000 000 сўмлик сотилган товарларга комиссионернинг ҳисоботи асосида ҳисобварақ-фактура ёзиладими?***

***2. Ушбу ойда солиқ солинадиган базага нима киради: комиссионернинг ҳисоботи асосида 5 000 000 сўмга сотилган товар киради ми ёки, гарчи комиссионер уни ҳали тўлиқ сотиб улгурмаган бўлса-да, 10 000 000 сўмлик барча товарга солиқ солинадими?***

**И.Раҳматуллаева,**
**«Технохимфарм» бош бухгалтери.**

– **1.** Солиқ кодексининг 222-моддасига кўра ҚҚС солинадиган оборотни ва уни тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек ҚҚС тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт. Мазкур вазиятда сиз, комитент сифатида, комиссионер номига ҳисобот олингандан кейин реализация қилинган товар қийматига (5 000 000 сўм) ҳисобварақ-фактура ёзиб, уни товар харидорга юклаб жўнатилган кун билан (ҳисобот бўйича) қайд этишингиз керак. Юклаб жўнатиш комитент омборидан амалга оширилганда ва ҳисобварақ-фактурада унинг реквизитлари юк жўнатувчининг реквизитлари сифатида акс эттирилганида комитент комиссионер номига ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги мумкин.

***Мисол.*** *Корхона воситачилик шартномаси бўйича 10 млн сўмлик маҳсулотни юклаб жўнатди. Комиссионер товарнинг фақат 5 000 000 сўмлик ярмини сотди, унга шартнома бўйича воситачилик ҳақи 500 минг сўмни ташкил қилади. Комитент ва комиссионер ҚҚС тўловчиси эмаслар.*

| Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставка | сумма | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| Каучук пластирлар | дона | 1 000 | 5 000 | 5 000 000 | ҚҚСсиз | ҚҚСсиз | |
| Тўлашга жами: беш миллион сўм | | | | 5 000 000 | | | |

*Комиссионер воситачилик ҳақи суммасига, яъни 500 минг сўмга, комитент номига ҳисобварақ-фактура ёзиши керак.*

| Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставка | сумма | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| Воситачилик ҳақи | дона | | | 500 000 | ҚҚСсиз | ҚҚСсиз | |
| Тўлашга жами: беш юз минг сўм | | | | 500 000 | | | |

**2.** 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар» *(АВ томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*га мувофиқ товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) пайтида даромадларни тан олиш мисолларининг 2.3-бандига кўра комитент томонидан комиссионерга юклаб жўнатилган маҳсулотни комиссионер харидорга сотганида даромад тан олинади. Комиссионер товарнинг фақат ярмини сотган, шу сабабли солиқ солиш мақсадида тушум деб фақат 5 000 минг сўм тан олинади.

# КИЧИК КОРХОНАЛАРГА КИМЛАР КИРАДИ?

***Умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш соҳаларига мансуб кичик корхонада энг кўпи билан қанча ходим ишлаши мумкин? Ушбу таснифни қаердан топса бўлади?***

**А.Уфимцева.**

– Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Фармонига биноан *(2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон)* кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

**якка тартибдаги тадбиркорлар;**

**ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган** ходимларининг ўртача йиллик сони **20** кишидан, **хизмат кўрсатиш соҳаси** ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда **10** кишидан, **улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5** кишидан ошмаган **микрофирмалар;**

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати – **100** кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари – **50** кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар – **25** кишидан ошмаган **кичик корхоналар.**

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотларнинг батафсил таснифи (классификацияси), фаолият тури кодлари (ХХТУТ) ва ходимларнинг чекланган миқдорини кўрсатган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори *(2003 йил 11 октябрдаги 439-сон)* билан тасдиқланган.

Бу ҳужжатни компьютер ахборот-ҳуқуқий тизимларидан, масалан, «Norma» АҲТдан топиш мумкин.

# УШЛАБ ҚОЛИШ ИЛТИМОС ҚИЛИНГАН БАДАЛЛАР

***Ходимларнинг иш ҳақидан касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ажратилади. Улар иш ҳақининг қандай турларидан ва қандай миқдорда ундирилади? Улар кимдан ва қандай қонун ҳужжатларига биноан ундирилади?***

– Аъзолик бадалларининг энг кам миқдори, ходимларнинг мазкур бадаллар ушлаб қолинадиган иш ҳақи турлари, шунингдек уларни ушлаб қолиш тартиби касаба уюшмасининг уставида қайд этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, касаба уюшмасига бадаллар фақат унинг аъзоларидан, улар томонидан бухгалтерияга уларнинг иш ҳақидан аъзолик бадаллари ушлаб қолиниши тўғрисида берилган ёзма ариза асосида ундирилиши мумкин.

***Жавоблар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.***

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

## Солиқлар оламида

### ҚҚС СТАВКАСИ ПАСАЙТИРИЛИШИ МУМКИН

2008 йил 1 январдан Озарбайжонда қўшилган қиймат солиғи бўйича депозит тизими жорий қилинди. Солиқлар вазирлигининг маълум қилишича, бу тизим самара берса, ҚҚС ставкаси камайтирилиши мумкин. Дастлабки натижалар солиқчиларни қувонтиряпти. Шу боис улар 2009 йилдан бошлаб ҚҚС ставкасида ўзгаришлар бўлишини ваъда қилишяпти.

Ҳозирги пайтда ҚҚС ставкаси 18%ни ташкил қилади. Солиқлар вазирлиги мазкур солиқни тўловчилар устидан назорат кучайтирилган тақдирда у босқичма-босқич 15%гача пасайтирилиши мумкинлигини маълум қилди. Мазкур солиқ бўйича барча операциялар ягона ғазначилик ҳисобрақами орқали ўтказиладиган бўлса, вазирлик ушбу мақсадда ҚҚС бўйича депозит тизимининг жорий қилинишини бошлаб берди.

### АҚШда ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ КАМАЯДИ

АҚШ Конгрессида жисмоний шахсларнинг солиқ юки камайтирилиши имконияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Бу эса бюджетга тушумлар ҳажмини 51 млрд долларга қисқартириши мумкин. Конгрессменлар қарорига демократик партия томонидан санкция берилди. Сиёсатчиларнинг қарорига кўра, жисмоний шахслар даромадига солиқ камаяди, бироқ бу бошқа солиқларнинг ошиши ёки бюджет харажатларининг қисқариши билан компенсацияланади. Хусусан, энг бадавлат фуқароларнинг солиқлари, масалан, фонд фойдасидан фоиз сифатида ҳисобланадиган, инвестиция фондларининг менежерлари оладиган ҳаққа солиқ оширилади.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ДИРЕКТОРНИНГ ВАКОЛАТИ БЎЛМАСА

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ҲАМДА ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТЛАР БИЛАН БАЪЗИ БИТИМЛАР ТУЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Одатда битимлар тузиш тўғрисидаги қарорни ташкилот директори ёки у ваколат берган бошқа шахслар (ўринбосар, бўлим бошлиғи ва бошқалар) қабул қилади. Бироқ баъзи битимларни тузиш учун олдиндан муассислар умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим. Буларга йирик битимлар ва тузилишидан бирор-бир тараф манфаатдор бўлган битимлар киради.***

### ЙИРИК БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДА

**Тушунчаси**. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун *(2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун)* 44-моддасига кўра жамият мол-мулки қийматининг **йигирма беш фоизидан ортиқ** қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади.

У олди-сотди, айирбошлаш ва бошқа шартномалар билан расмийлаштирилиши мумкин. Қарз, гаров шартномалари ҳам, улар бевосита жамият мол-мулкини бошқа шахсга бериш билан боғланмаганлигига қарамай, йирик битимлар бўлиши мумкин. Уларга айни «мол-мулкни билвосита бошқа шахсга бериш» тушунчаси тааллуқлидир. МЧЖдаги жамиятнинг ўзига тегишли бўлган улушни бошқа шахсга бериш ҳам йирик битимга киритилиши мумкин, чунки у пул баҳосига ёки натура ифодасидаги мол-мулкка (пул, қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар) эга бўлган мулкий ҳуқуқларни ўз ичига олади. Ҳатто кафиллик шартномасини ҳам, агар унинг суммаси шартнома тузиш санасида кафил фирма мол-мулки баланс қийматининг 25 фоизидан ошса, йирик битимга киритиш мумкин.

Кредит шартномаларини йирик битимлар деб тан олишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Зеро уларнинг суммаси нафақат қарз мажбуриятидан, балки шартномада назарда тутилган фоизлардан ҳам иборат бўлади *(Фуқаролик кодекси – бундан кейин ФК 744-моддасининг биринчи қисми)*. Шу сабабли кредит бўйича фоизлар билан ҳар қандай қарз мажбурияти муддатини ўтказиб юборганлиги учун ҳисобланадиган, асосий мажбурият таркибига кирмайдиган фоизлар ўртасидаги чегарани аниқ фарқлаш зарур. Бу қоида неустойка, жарима, пеня сингари жавобгарлик чораларига ҳам тегишли.

Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди *(Қонун 44-моддасининг биринчи қисми)*. Чунончи, асосий фаолият тури мебель ишлаб чиқариш ҳисобланган жамият учун маҳсулотнинг навбатдаги туркумини чиқариш учун йирик суммада ёғочнинг олди-сотди шартномаси йирик битимни тузиш деб ҳисобланмайди, чунки бундай шартнома тузиш корхона фаолиятининг одатдаги жараёнидир. Ахборот-дастурий маҳсулотларини яратадиган жамият учун эса худди шундай шартнома йирик битим ҳисобланади, чунки у асосий фаолият тури билан боғланмаган.



### УСТАВГА КЎРА

Қонун 44-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Уни қабул қилиш учун муассисларнинг бир овоздан рози бўлиши талаб қилинмайди. Шу боис уставда бундай қарорни қабул қилиш таомили ва тартибини, хусусан, бунинг учун зарур бўлган иштирокчиларнинг овозлари миқдорини назарда тутиш зарур.

Жамият мол-мулкининг қиймати бундай битим тузилганлиги тўғрисида **қарор қабул қилинган кундан** аввалги охирги ҳисобот даврига бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида белгиланади. Бироқ Қонунда қарор қабул қилинган ва битим амалда тузилган кунлар ўртасидаги муддат чекланмаган. Шу тариқа, йирик битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва у тузилиши керак бўлган муддатнинг белгиланмаганлиги уни тузиш чоғида жамият мол-мулки қийматининг ўзгаришига олиб келиши мумкин, бу эса уни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш учун важга айланиши мумкин. Шу сабабли йирик битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш баённомасида у, масалан, уч иш кунида (ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай) тузилиши кераклигини ҳам белгилаб қўйиш зарур.

Кейинги жиҳат. Қиймати жамият мол-мулки қийматининг **йигирма беш фоизидан кўпни** ташкил қиладиган битим йирик битим деб ҳисобланади. Бироқ Қонун жамият уставига биноан унинг янада юқори миқдорини, масалан, 35 фоизни (бироқ Қонун билан белгиланган миқдордан кам эмас) белгилаш имконини беради.

Жамият иштирокчилари бундай битимлар тузишни жамият кузатув кенгашига топширишлари (буни уставда мустаҳкамлаб) мумкин *(Қонун 44-моддасининг тўртинчи қисми)*, у кузатув кенгашининг айби билан содир этилиши натижасида етказилган зарарлар учун умумий йиғилиш олдида жавобгар бўлади. Бироқ кузатув кенгаши жамият мол-мулки қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган суммадаги битимларни тузишга ҳақли эканлигини эътиборда тутиш керак.

Умумий йиғилиш фақат йирик битимни тузиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳатто агар улар муҳим деб тан олинса-да, унинг шартлари бундай маъқуллашни талаб қилмайди.

Қонун ёки уставда назарда тутилган талабларни бузган ҳолда йирик битимни тузиш ўз ҳолича уни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келмайди. Уни фақат жамият ёки унинг иштирокчиси даъвоси бўйича шундай деб топиш мумкин. Қонунда битимнинг ҳақиқий эмаслиги хусусида низолашаётган иштирокчи уни тузиш пайтида ушбу жамиятнинг иштирокчиси бўлиши кераклиги қайд этилмаган. Чунончи, МЧЖ иштирокчиси у жамиятга киришига қадар тузилган битим хусусида низолашиши мумкинми? Фикримизча, ушбу ҳолда суд бундай битимни тузиш унга нисбатан бирор муносабатга эгалиги ва бу ҳол унинг муассислик ҳуқуқларини бузиши мумкинлигини алоҳида ҳисобга олади.

### МАНФААТДОРЛИК МАВЖУД БЎЛГАН БИТИМЛАР ТЎҒРИСИДА

Уларни тузишдан манфаатдорлик бўлган битимларга Қонуннинг 43-моддаси бағишланган. Улар ҳам жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз тузилиши мумкин эмас.

Тузилишидан:

– жамият кузатув кенгашининг аъзоси;

– жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс;

– жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи аъзоси;

– ўз аффилланган шахслари билан биргаликда жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган жамият иштирокчисининг манфаатдорлиги юридик аҳамиятга эгадир.

*Аффилланган шахслар деганда, Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисида низом (ҚҚБФМНҚМ, МВ ва Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг АВ томонидан 2003 йил 29 январда 1212-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 1-бандининг биринчи қисмига кўра, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар воситасида ёки бирор-бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида бир-бирининг фаолиятига таъсир кўрсата оладиган ҳамда мазкур Низомга мувофиқ ана шундай шахслар деб тан олинадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.*

Шахслар, агар улар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари қуйидаги ҳолларда жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор шахслар деб эътироф этиладилар:

– битим тарафи ҳисоблансалар ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ифодаласалар;

– битим тарафи ҳисобланувчи ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахс акцияларининг (пайлари, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлсалар (ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки жамланган ҳолда). Бундан ташқари, уставда битим тузишдан манфаатдорликнинг бошқа ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахслар улар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) аффилланган шахслари акцияларининг (пайлар, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар тўғрисидаги; улар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисидаги; улар тузилишидан манфаатдор деб эътироф этилиши мумкин бўлган тузиладиган ёки тахмин қилинадиган битимлар тўғрисидаги ахборотни жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг эътиборига етказишлари керак. Қонунда ушбу ахборотни тақдим этиш тартиби бевосита назарда тутилмаганлигини эътиборда тутиш лозим. Шу сабабли уни таъсис ҳужжатларида назарда тутиш зарур.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан, унинг тузилишидан манфаатдор бўлмаган иштирокчилар овозлари умумий сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади. Уставда овозлар тенг миқдорда бўлган тақдирда қарор қабул қилиш меъёрини назарда тутиш керак.

Манфаатдор шахс жамият олдида ўзи томонидан жамиятга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, жавобгарлик солидар бўлади.

Одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида жамият билан бошқа тараф ўртасидаги битим ундан манфаатдор бўлган шахс шундай шахс деб эътироф этилган пайтгача тузилган бўлса, умумий йиғилишнинг қарорига зарурат йўқ. Бундай ҳолда жамият иштирокчиларининг кейинги умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар қарор талаб қилинмайди.

Жамият бундай битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритиши мумкин. Битим нархи охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботида кўрсатилган жамият мол-мулки қийматининг беш фоизидан ошадиган ҳоллар истисно ҳисобланади.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимни Қонун ёки уставда назарда тутилган талабларни бузган ҳолда тузиш ўз ҳолича унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. У фақат жамият ёки унинг иштирокчиси даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Шу тариқа, бундай битимларни тузиш учун тегишли қарор қабул қилиниши зарур, у умумий йиғилиш баённомасига қайд этилиши ва лозим даражада (алоҳида ҳужжат билан) расмийлаштирилиши керак. Шартнома муқаддимасида уни имзолаш асоси сифатида мазкур қарорни кўрсатиш тавсия қилинади. Бундан ташқари, қарорда бундай шартномани имзолашга бошқа аниқ шахсни, масалан, директорни (бошқарувнинг ижрочи органини) эмас, балки умумий йиғилиш раисини вакил қилиш мумкин. Бироқ шартномани имзолашда шахсга ваколат бериш чоғида унга бундай ҳаракатни жамият номидан содир этиш ҳуқуқига ишончнома берилиши зарур.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

## Солиқлар оламида

### ИШЁҚМАСЛАРГА ҚАРШИ ЮРИШ

Ўтган йилнинг охирида Франция ҳукумати мамлакатдаги иш берувчилар учун ижтимоий солиқларнинг катта қисмини бекор қилди ва 35 соатлик иш ҳафтасини бекор қилди. Бугунги кунда иш берувчи тўланган иш ҳақининг ҳар бир минг евросидан 650 евро ҳисобида солиқ ҳисоблайди. Республика президенти Николя Саркозининг фикрича, бунинг оқибатида мамлакат банкротлик ёқасига келиб қолди, унинг бюджети эса 25 йилдирки камомад билан қолмоқда. Қиймати тушаётган доллар ҳам иқтисодиётга яхши таъсир кўрсатмаяпти.

